

**СИГИРЛАРДА ЭНДОМЕТРИТ КАСАЛЛИГИНИНГ МИКРОФЛОРАСИ ВА
КАСАЛЛИК МОНИТОРИНГИ****Балтабаева Шахло***СДВМЧБУНФ талаба.***Гаипова Эжегул***СДВМЧБУНФ талаба.***Ш. Д. Авезимбетов***СДВМЧБУНФ катта ўқитувчиси.*

Аннотация: Ушбу мақолада Қорақалпоғистон шароитида қорамоллар орасида учрайдиган эндометритлар, уларнинг келиб чиқишининг асосий омиллари, туманларда касалликнинг мониторинглари ва касалликни даволашнинг самарали усуллари ҳақида фикр юритилади. Текширишлар Қорақалпоғистоннинг жанубий туманларида олиб борилган бўлиб Тўрткўл, Эллиққала, Беруний ва Амударё туманларида олиб борилган. Текширишлар маҳаллий қорамоллар, голштин зотли сигирлар, симментал зотли сигирларда қиёсий таҳлиллар натижасида эндометритлар аниқланган.

Калит сўзлар: Қисир қолиш, эндометрит, биопроба, йўлдошнинг ушланиб қолиши, рацион, интоксикация, сапрофит микроорганизмлар, стафилакоклар, тупроқ микрофлораси, протейлар.

КИРИШ

Ҳозирги даврга келиб чорвачиликнинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган касалликлардан бири акушер гинекологик касалликлар бўлиб унинг кенг салмоғи эндометритларга тўғри келаябди. Айниқса бу касалликнинг яширин яъни белгисиз ўтиши ўз навбатида сигирларнинг куйга келмаслигига ва кўпгина холларда сигирларни қочиришдан кейин уларнинг қочмаслигига олиб келаябди.

Эндометритларнинг келиб чиқишига патоген микроблар ҳайвоннинг бачадон шиллиқ қаватида кириши, кейинчалик микробларнинг фаол равишда кўпайиб, тўқималарда яллиғланишларни келтириб чиқариши ва улар ажратган токсинлар натижасида оқмалар ҳосил бўлиши билан характерланади. Кўпгина холларда, микроблар бачадоннинг чуқур тўқималарига кириб, интоксикация ва яллиғланиш кўринишидаги асоратларни келтириб чиқаради, бундай холларда ҳайвон организми бактерияларни мустақил равишда енгишга қодир эмас.

Касаллик кузатишларимиз натижасида ҳомила йўлдошини ушланиб қолиши (*Ryententio plactentae, s. Ryentention secundinarum*) натижасида кўпроқ учради. 2023-2024 йилги маълумотларга кўра касалликдан Тўрткўл, Эллиққала, Беруний ва Амударё туманларида сигирлар 22% дан 52% гача зарарланган. Бунга асосий сабаб қилиб йўлдошни ажратиб олишда гигиеник ҳолатларнинг ёмонлашуви, йўлдошнинг бачадонда узоқ вақт сақланиб қолиши ва йўлдошни

ажратиш жараёнида йўлдошнинг маълум қисмининг бачадонда қолиб кетишини сабаб қилиб кўрсатишимиз мумкин.

Асосий қисм. Касалликка чалинган сигирларнинг бачадон микрофлорасини текширганимизда улар асосан кўп микробли бўлиб булар оқ ва сариқ стафилококлар, ичак таёқчаси, протейлар, пептострептококлар ва сапрофит микроорганизмлар бўлиб чиқди. Текширилган материалларда микроорганизмлар ичида стафилакоклар (28,2%), ичак таёқчалари (22,8%), спора ҳосил қилувчи тупроқ микрофлораси (35,3%), кам ҳолатда протейлар (13,7%) ва бошқа махсус-патоген бактериялар аниқладик. Ажратиб олинган микрофлоралар (монокультурада) алоҳида лаборатория ҳайвонлари учун патогенлик қилмай, (апатоген) касаллик чақириш хусусиятга эга эмас. Аммо уларнинг ассосиасияси оқ сичқонларга тажриба учун биопроба қўйилганда 10-12 соатдан кейин уларда ўлим кузатилди (Бачадон микрофлораси асосан кўп микробли бўлиб булар оқ ва сариқ стафилококлар, ичак таёқчаси, протейлар, пептострептококлар ва сапрофит микроорганизмлардир[1].

Текшириш материаллари ва методлари. Текшириш объекти қилиб Қорақалпоғистоннинг жанубий туманларидан Тўрткўл, Эллиққала, Беруний ва Амударё туманларидаги шахсий ва чорва фермер хўжаликларидаги маҳаллий қорамоллар, голштин зотли сигирлар, симментал зотли сигирлардан фойдаландик.

Текшириш методлари бачадондан суртма (мазок) олиниб лабораторияда унинг таркиби ва микроблари экиб кўриш ва уларни бўяб микроскопия усулларида фойдаландик. Бундан ташқари ушбу микроорганизмларга оқ сичқонларнинг сезувчанлигини ўрганиш мақсадида биопробалар қўйилди.

Бундан ташқари Исоқ бобо, Оқ чашма, Султон ота, Аширбой чорва фермер хўжаликларда сигирларни грухларга ажратиб улардаги эндометрит касаллигининг мониторингини олиб бордик.

Текшириш натижалари. Қорақалпоғистоннинг жанубий туманларида қисир сигирларни клиник ва лаборатор текширишларимиз натижасида улардаги эндометрит касалликларининг куйдаги шакллари учратдик. 1 жадвал

патология	Исоқ бобо (n=72)		Оқ чашма(n=70)		Султон ота, Аширбой чорва(n=71)	
	Сигирлар зоти					
	маҳаллий зотлар		голштин зотли		симментал зотли	
	Бош сони	%	Бош сони	%	Бош сони	%
эндометритлар	47	65.2	45	64.2	44	61.9
Ўткир (туғириқдан кейиги) эндометритлар	25	34.7	27	38.5	22	30.9
Яширин эндометритлар	14	19.4	6	8.5	8	11.2

Субклиник эндометритлар	8	11.1	12	17.1	13	18.3
Бачадон атонияси	5	6.9	6	8.5	5	7
Тухумдон гиперфункцияси	8	11.1	5	7.1	7	10
Персистент сариқ тана	4	5.5	5	7.1	5	7
Фалекуляр киста	3	4.1	-	-	-	-
Лютеинли киста	5	6.9	-	-	-	-

Бу натижалардан шундай хулосага келишимиз мумкинки, маҳаллий зот сигирлар ва голштин зотли, симментал зотли сигирларнинг эндометритларга чалиниш кўрсаткичлари деярли бир хил, аммо голштин зотли, симментал зотли сигирларда фалекуляр киста ва лютеинли киста учрамас экан. Бу касалликларга чалинмаслиги ушбу зотларни маҳаллий зотларимиздан устунлигини таъминлайди.

Тажрибалар натижаларини таҳлил қилганимизда куйидаги хулосалар келиб чиқди. 2 жадвал.

Ҳайвоннинг зоти	Январь-февраль		Март-май		июнь-сентябрь		Октябрь-декабр	
	Бош сони	%	Бош сони	%	Бош сони	%	Бош сони	%
маҳаллий зотлар	20	27.7	25	34.7	12	16.6	15	20.8
голштин зотли	22	31.4	25	35.7	11	15.7	21	30
симментал зотли	22	30.9	20	28.1	11	15.4	18	25.3

Ушбу жадвалда маҳаллий ва зотдор сигирларнинг эндометритлари ва бачадон атонияси, персистент сариқ таналарнинг учрашини анализ қилганимизда касалликларнинг кўпчилиги январь ойидан май ойигача 27.7%дан, 35.7% гача қишнинг охирги ойлари ва баҳор ойларига тўғри келаябди. Бунинг бу кўриниш касб қилинишининг сабаби озуқа рационининг январь ойидан май ойигача тўйимлилигини камайиб кетиши ва шунинг билан бирга об-ҳавонинг кучли ўзгаришини кўрсатишимиз мумкин.

Ушбу касалликларни ёшга доир кўриб чиқилганда куйидаги кўриниш касб қилди. 3 жадвал

Ёши	Зоти					
	маҳаллий зотлар		голштин зотли		симментал зотли	
	Бош сони	%	Бош сони	%	Бош сони	%
3-4 ёшли	15	20.8	16	22.8	16	22.5
5-6 ёшли	26	36.1	21	30	20	28.1
7 ёшдан	31	43	33	47.1	35	49.2

юқори						
-------	--	--	--	--	--	--

Маҳаллий зотли сигирларда бачадон касалликларининг нисбати 3-4 ёшлигида 20.8% ни, 5-6 ёшларида 36.1%, 7 ёш ва ундан юқори сигирларда касалликнинг фоизи 43% ни кузатишимиз мумкин.

Голштин зотли сигирларда бачадон касалликларининг нисбати 3-4 ёшлигида 22.8% ни, 5-6 ёшларида 30%, 7 ёш ва ундан юқори сигирларда касалликнинг 47.1% да кузатилади.

Симментал зотли сигирларда бачадон касалликларининг нисбати 3-4 ёшлигида 22.5% ни, 5-6 ёшларида 28.1%, 7 ёш ва ундан юқори сигирларда касалликнинг 49.2% да кузатилади.

Хулоса. Қорақалпоғистоннинг жанубий туманларида эндометритга учраган сигирларнинг бачадон суртмаларида микроорганизмлардан стафилакоклар (28,2%), ичак таёқчалари (22,8%), спора ҳосил қилувчи тупроқ микрофлораси (35,3%), кам ҳолатда протейлар (13.7%) ва бошқа махсус-патоген бактериялар аниқланди.

Қорақалпоғистон шароитида голштин зотли, симментал зотли сигирларда фалекуляр киста ва лютеинли киста учрамади. Бу зотлар ушбу касалликларга чалинмаслиги аниқланди.

Бачадон касалликларининг кўпчилик қисми ёши катта ҳайвонларда қиш ва баҳор ойлари учраши кузатилди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Уринов, Х., Колдошев, О., & Бобомуродов, Р. (2023). Микрофлора матки коров и ее чувствительность к антибактериальным препаратам при эндометрите. in Library, 3(3), 152-153.

2. Dosumbetovich, A. S., Uli, A. D. M., & Abdusalim, A. (2023). QORAQOLPOQSTON SHOROITIDA MAYDA UY HAYVONLARIDA NEMOTODA KASALLIGINING TARQALISHI. Scientific Impulse, 1(8), 43-47.

3. Avezimbetov, S., Madetova, M., Madetova, N., & Joldasbaeva, V. (2023). VETERINARIYADA GEMOTERAPIYA. ANEMIYALAR VA QON ZARDOBIDA TEMIRNI ANIQLASH, QON RETRAKSIYASINI ANIQLASH. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 3(2), 509-516.

4. Ўзбекистон Республикасида олий таълимни ривожлантиришнинг стратегик мақсадларини амалга оширишда муаммолар ва ечимлар. ЕР Аvezимбетов Шавкат, Алламбергенов Даулетбай Образование и наука в XXI веке 3 (31), 93-102.

5. ДОСТИЖЕНИЯ И НЕДОСТАТКИ В РЕАЛИЗАЦИИ КОНЦЕПЦИИ РАЗВИТИЯ НАУКИ ДО 2030 ГОДА. ШД Аvezимбетов, У Турдымуратова, ГЮ Ешмуратова. International Academic Research Journal Impact Factor 7.4 1 (5), 85-97.

6. Аvezимбетов, Ш. Д., Комилжонов, С. К., & ўғли Досумбетов, О. Ш. (2021). ҚОРАМОЛЛАР СУРУНКАЛИ ЭНДОМЕТРИТ КАСАЛЛИГИНИ ДАВОЛАШДА

ЛЕВОФЛОКСАТСИН ПРЕПАРАТИНИ ҚЎЛЛАШ. Academic research in educational sciences, 2(9), 1042-1045.

7. Dosumbetovich, A. S., & Komoladdinovich, K. S. (2021). New effective methods of treatment of persistent infertility in cows.

8. Avezimbetov, S. D., Togaymuradov, M. S., & Bazarbaeva, A. A. (2021). Induction of superovulation in cattle. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(10), 1778-1781

9. Avezimbetov, S., & Bekmuratov, K. (2021). Methods of microscopic evaluation of sperm obtained from bulls for scientific work and in production. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(5), 403-407.

10. Аvezимбетов, Ш. Д. (2020). МЕТОДЫ ЛЕЧЕНИЯ И ЛАБОРАТОРНОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ СЕКРЕТНОГО ХРОНИЧЕСКОГО ЭНДОМЕТРИТА. *Экономика и социум*, (12 (79)), 338-341.

11. Erimov Sirijiddin Farhodovich, Djumaboev Abdurasul Baxt ugli, & Son of Mirzabekov Miyirbek O'mirbek ugli. (2023). «QUYON OTODEKTOZI»NING BIOMORFOLOGIK XUSUSIYATLARI, UNING SISTEMATIKADAGI O'RNI, LABORATORIYA DIGINOZI. *Intent Research Scientific Journal*, 2 (6), 132-140. <https://intentresearch.org/index.php/irsj/article/view/>

12. Farxodovich, E. S. (2023). DIXROSELIOZ QO'ZBARCHI SISTOGONIYASI PROGRESSIYASI BOSHQACHINING BA'ZI BIOLOGIK XUSUSIYATLARI. *Intent Research Scientific Journal*, 2 (10), 70-77.

13. Erimov, S. F., Erimov, F. F., & Jumaniyozova, J. M. (2024 yil, noyabr). GASTROFILYOZ-OTLAR (EQUUS FERUS CABALLUS) HAVFLI ENTOMOZ KASALLIGI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.14222253>. *Xalqaro ilmiy-amaliy anjumanda (1-jild, 1-son, 95-110-betlar)*.

14. Shakilov, U. N., Erimov, S. F., & O'ktamov, A. A. (2024, November). ATLAR GASTROFILYOZI QOZGAWTIWSHILARINA EKOLOGIYALIQ FAKTORLAR TÁSIRI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.14219999>. In *International scientific and practical conference (Vol. 1, No. 1, pp. 78-84)*.

15. Erimov, S. F., Erimov, F. F., & Jumaniyozova, J. M. (2024, November). QORAQALPOG'ISTON RESPUBLIKASI ARID IQLIM SHAROITIDA OTLAR GASTROFILYOZI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.14222297>. In *International scientific and practical conference (Vol. 1, No. 1, pp. 110-116)*.

16. Shakilov, U. N., Erimov, S. F., & O'ktamov, A. A. (2024, November). GASTROFILYOZ KESELLIGI QOZGAWTIWSHILARINA ANTIGELMINT DÁRI ÓNIMLERI TÁSIRI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.14220032>. In *International scientific and practical conference (Vol. 1, No. 1, pp. 84-88)*.

17. Farhodovich, E. S. (2024). OTLAR GASTROFILYOZI QO 'ZG'ATUVCHILARIGA EKOLOGIK OMILLAR TA'SIRI. *ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ*, 56(5), 186-191.

18. Farhodovich, E. S. (2024). GASTROFILOYZ KASALLIGI QO'ZG'ATUVCHILARIGA ANTIGELMINT DORI VOSITALARI TA'SIRI. ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ, 56(5), 181-185.

19. Erimov, S. F., Erimov, F. F. va Djumaniyazova, J. M. (2024). GASTROFILOZ OTLARNING XAVFLI ENTOMOSIK KASALLASI (EQUUS FERUS CABALLUS). DUNYODA TA'LIM, FAN VA INNOVATSIYA G'OYALARI , 56 (5), 174-178.

20. Erimov, S., Erimov, F., & Jumaniyozova, J. (2024 yil, noyabr). QORAQALPOG'ISTON RESPUBLIKASIDA QURG'OQ IQLIM SHARTLARIDA OTLARNING GASTROFILOZI. TIBBIYO'T, FAN VA TA'LIM BO'YICHA XALQARO KONFERENSIYADA (1-jild, No10, 63-70-betlar).

21. Erimov, S., Erimov, F., & Jumaniyozova, J. (2024). GASTROFILOZ-OTLAR (EQUUS FERUS CABALLUS)-HAVEN ENTOMOSIS. Pedagogika fanlari shakllanishining nazariy jihatlari , 3 (19), 127-133.

22. Farxodovich, E. S., & Arislanbek o'g'li, A. I. (2023). ARALSEEBUCHTDA QO'YLARNING ORIENTOBILGARSIOZI EPIZOOTOLOGIYASI. Intent Research Scientific Journal , 2 (10), 106-114.

23. Dauletabaev, N. P., & Tajimuratov, Q. (2024, November). YIRIK SHOXTI MOLLARDA PODODERMATIT KASALLIGINING ETIOPATOGENEZI, TARQALISHI VA UNI DAVOLASH: <https://doi.org/10.5281/zenodo.14222207>. In International scientific and practical conference (Vol. 1, No. 1, pp. 102-105).

24. Dauletboev, N. P. (2024). Turli xil tabiiy sharoitlarda kurkalarning tug'ruqdan keyingi ontogenez davrida oyoq suyaklari va mushaklarining morfometrik xususiyatlari adabiyotlarni ko'rib chiqish. Fan va innovatsiyalar , 3 (Maxsus 47-son), 698-701.